

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВА МАЛИКА ФАЙЗУЛЛОЕВНА

САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК: 297.182.8(Бохарзий)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)
degree in Philosophy**

Норова Малика Файзуллоевна

Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни 3

Норова Малика Файзуллоевна

Место Сайфиддина Бохарзи в истории тасаввуфа..... 21

Norova Malika Fayzulloyevna

Role of Sayfiddin Bokharzi in tasawwuf history 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРОВА МАЛИКА ФАЙЗУЛЛОЕВНА

САЙФИДДИН БОХАРЗИЙНИНГ ТАСАВВУФ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fal261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчехра Нейматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Гули Тилабовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Пардаева Мархабо Давлатовна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “8” июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365)221-29-14; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz Бухоро давлат университети кичик мажлислар зали, 2-қават, 201-хона).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 62 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365)221-29-14; факс: (0365)221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил “23” июнь куни тарқатилди.
(2021 йил “23” июнь даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов К.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

СХ **Саломова Ҳ.Ю.**

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида фалсафа тарихида Шарқ ислом цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган тасаввуф илми намояндаларининг маънавий меросини ўрганиш, уларни бугунги маданий трансформация жараёнларига татбиқ этиш, умуминсоний қадрият сифатида тадқиқ қилиш инсониятнинг эзгу ишларидан бири сифатида баҳоланади. Жумладан, тасаввуф алломаларининг маънавий-руҳий, диний-ирфоний билим, фалсафий-ахлоқий қарашларининг моҳиятини ёритиш, уларнинг ўзликни англаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, маънавий барқарорликка эришиш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё илмий-фалсафий тафаккури меросига улкан ҳисса қўшган тасаввуф алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон тамаддунидаги тутган ўрнини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тасаввуф намояндаларининг фалсафий-ирфоний қарашларини, бу таълимотининг генезисини ҳамда онтологик (борлик-йўқлик, фоний-боқий, олам-одам) ва гносеологик (илм, олим, амал) жиҳатларини инновацион методлар воситасида тизимли фалсафий таҳлил қилиш йўналишидаги тадқиқотларни илмий асослаш имконини яратади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий инновацион ислохотлар жараёнида мутафаккирларнинг замонавий ёш авлодни буюк аждодларга муносиб ворислар қилиб тарбиялашда фойдаланишга оид гуманистик моҳиятга эга бағрикенглик, жавонмардлик, ҳалоллик, илм ва амал бирлиги хусусидаги ғояларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Сайфиддин Бохарзийнинг бой илмий-фалсафий меросини ҳозирги кун учун муҳим аҳамиятга эга. Зотан, “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”¹. Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни ва меросининг умумтасаввуфий моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, шу асосда комил инсон тарбиясига позитив таъсир кўрсатувчи тасаввуфий ғояларини фалсафий таҳлил қилиш ҳамда тадқиқотларда ёритиб бериш юзасидан илмий изланишларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. –Б.244.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сонли “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сайфиддин Бохарзийнинг ҳаёт йўли ва маънавий меросини ўрганиш XIII асрдан бошланган. Унинг маънавий мероси ҳақидаги дастлабки маълумотлар Ал Авфий Муҳаммад, Музаҳхир Мусаффа, Ал-Хусайний, Ал-Мустафад мин Ҳайл, Маҳфуз Ҳасан Мажаллат, Муҳаммад Қосим, Ал Қазвиний, Ал Самъоний Абул Карим, Тоҳир Али Жавад асарларида учрайди². Бу манбаларда Бохарзийнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган.

Шарқшунос олимлардан М.Е.Эркей, Мустафо Баҳодир ўғли, Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад бин Аҳмад Заҳабий, Абдурахмон Сомеъ, Салоҳиддин Халил бин Изатдин ас-Сафеди, Усмонзода Хусайн Вассаф, Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий, Д.С.Тримингэм, А.Д.Кныш, Усмон Турар асарларидан маълумотлар олиш мумкин³.

² Ал Авфий Муҳаммад. Лубаб ал албаб. – Техрон: 1361. – 520 б.; Музаҳхир Мусаффа. Ҳидоят. Мажмаъ ал Фусаха. – Техрон:1340. – 430 с.; Ал-Хусайний. Зубдат ат-Таворих. – Байрут: 1405/1985.; Ал -Мустафад мин Ҳайл. Тарихи Боғдод. – Байрут: 1406/1986.; Маҳфуз Ҳасан Мажаллат. Маъҳад ал махтутат ал арабия. 1376/1957.; Муҳаммад Қосим. Рисолат ал-Тард. 1395/1975.; Ал Қазвиний. Атар ал Билад. – Бейрут: 1404/1984.; Ал Самоний Абул Карим. Ал Ансоб. – Ҳайдаробод: 1383/1963.; Тоҳир Али Жавад. Ал Шир ал Араби фил Ирак вал билад ал Ажам. – Боғдод: 1958. – 341 б.

³ Erkaya, M. E. (2018). Seyfeddin el-Bâharzî'nin Şeyhi Necmeddîn-i Kübrâ'ya Arz Ettiği Vâkıalar: Vekâiyü'l-halvet, Çukurova Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, 18 (1), 23-46.; Mustafa Bahadıroğlu, «Vâkıât-ı Hüdâyi'nin Tahlil ve Tahkiki (I. Cild)» (Doktora Tezi, Uludağ Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2003); Mustafa Nalbat, «Vâkıât-ı Hüdâi'nin Tahlil ve Tahkiki (II. Cild)» (Erciyes Üniversitesi Temel İslâm Bilimleri Anabilim Dalı Tasavvuf Bilim Dalı, 2017); Hilal Çetin, «Vâkıât-ı Hüdâyi'nin Tahlil ve Tahkiki (17 Ramazan 986/30 Rebiü'l âhir 987)» (Yüksek Lisans Tezi, Erciyes Üniversitesi Temel İslâm Bilimleri Anabilim Dalı Tasavvuf Bilim Dalı, 2018); Hacer Ekici, «Vâkıât-ı Hüdâyi'nin Tahlil ve Tahkiki (1 Rabîu'l- Âhir-9 Şevvâl/987)» (Yüksek Lisans Tezi, Erciyes Üniversitesi Temel İslâm Bilimleri Anabilim Dalı Tasavvuf Bilim Dalı, 2017); Ebû Abdullah Şemsüddîn Muhammed b. Ahmed Zehebî, Siyeru a'lâmi'n-nübelâ, haz. Şu'ayb el-Arnaût (Beirut: Müessesetu'r-Risâle, 1982-1988), XXIII, 364; Târîhu'l-İslâm ve vefeyâtü'l-meşâhîr ve'l-a'lâm, haz. Ömer Abdüsselâm Tedmürî (Beirut Dâru'l-Kütübi'l-Arabî, 2000), XLVIII, 387, no. 490.; Abdurrahman Câmî, Evliya Menkıbeleri, haz. Süleyman Uludağ – Mustafa Kara, çev. Lâmiî Çelebi, (İstanbul: Pinhan, 2011). – S. 575.; Salâhuddîn Halîl b. İzzeddîn es- Safedî, el-Vâfi bi'l-vefeyât, haz. Ahmed el-Arnaût –Mustafâ Türkî (Beirut: Dâru İhyâi't-Türâsi'l-Arabî, 2000), XV, 163, no. 4944; Abdülhay b. Ahmed el-Hanbelî İbnü'l-İmâd, Şezerâtü'z-zeheb fi ahbâri men zeheb, haz. Abdülkâdir el-Arnaût – Mahmûd el-Arnaût (Beirut: Dâru İbn Kesîr, 1993), VII, 516.; Osmânzâde Hüseyin Vassaf, Sefine-i Evliyâ, çev. Mehmet Akkuş – Ali Yılmaz, (İstanbul:Kitabevi Yay., 2015), I, 482; Mustafa Aşkar, «Ahmed Yesevî ve Tasavvuf Anlayışı», Diyanet İlmî Dergi [Diyanet Dini - İlmî - Edebî Dergi], XXIX/4 (1993). – S. 60.; Аҳмад

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида рус олимларидан А. Семёнов, А. Крымский, В. Бартольд, Н.Б. Немцева, А.Д. Чехович ҳамда Садриддин Айний Сайфиддин Бохарзий маънавий мероси ҳақида бир қанча қимматли ва қизиқарли маълумотларни қайд қилиб ўтганлар⁴.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида А.А. Болтаев Сайфиддин Бохарзий васиятларини, А.Х. Иноятгов унинг ҳаёт чизгиларига доир манбани таржима қилган бўлсалар, Садриддин Салим Бухорий, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Нарзулло Йўлдошев каби олимлар мутафаккирнинг баъзи бир ғояларини таҳлилга тортганлар. Шу мавзуда ёш тадқиқотчи Ш.Бобожоновнинг мақоласи ҳам диққатга сазовор⁵.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Сайфиддин Бохарзийнинг илмий, маънавий мероси, унинг тасаввуф тарихидаги ўрни монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг маънавий-маърифий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихида тутган ўрни ва тасаввуфий меросининг моҳиятини илмий-назарий жихатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасаввуф таълимоти ва унинг Сайфиддин Бохарзий дунёқарашига таъсирини фалсафий таҳлил асосида очиб бериш;

Шайхул Олам маънавий меросини ирфоний-фалсафий таҳлил қилиш;

мутасаввиф қарашларидаги олам ва одам муаммосини илмий ўрганиш;

Сайфиддин Бохарзийнинг билиш ва ўз-ўзини англашга оид ғояларини тадқиқ этиш;

ибн Махмуд Бухорий. Муъин ал-Фуқаро. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 206 б.; Тримингэм. Дж.С.Суфийские ордены в исламе. Пер.сангл. А.А.Ставиской под редакцией и с предисл. О.Ф.Акимускина. – Москва: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1989. – 328 с.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история // Перевод с английского А.Д. Кныш, М.Г. Романов. – СПб: Издательство ДИЛЯ, 2004. – С.269.; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиклол, 1999. – 180 б.

⁴ Семёнов А. Бухарский шейх Сайфиддин Бохарзи // Восточный сборник в честь А. Н.Веселовского. ТВЛИВЯ. Вып Х.Ш. – Москва: 1914. – 57 б.; Крымский А. История Персии ее литературы и дервишской теософии, т 2. –Москва, 1972. – 468 с.; Бартольд В. Мистицизм в исламе. Соч. т. 6 Ислам. – П.:1918., Немцева Н.Б. Хонако Сайф ад-дина Бахарзи в Бухаре (к истории архитектурного комплекса). – Бухоро: Бухоро, 2003. –211 б., Чехович О.Д.Бухарские документы XIV века. Академия Наук Узбекской ССР, Институт истории и археологии. – Тошкент: Наука, 1965. – 235 б.; Садриддин Айний. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб,2010. – 448 с.

⁵ Болтаев А.А. таржимаси. “Васиятҳои Сайфиддин Бохарзий”. 2019 й.; Иноятгов А.Х. Имом Шамсиддин Заҳабий. Машхур даҳолар сийрати (Сияру аъламин нубало). – Тошкент: Ҳилол, 2017. – 480 б.; Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. – Бухоро: Дурдона, 2012. – 416 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 444 б.; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовороуннахр, 2004. – 266 б.; Йўлдошев Н. Сайфиддин Бохарзий /Авлиёлар тарихи. Бухоро: Бухоро, 1997. – 144 б.; Бобожонов Ш. Бухорони “Бухоройи шариф” этган аллома.<https://bit.ly/3jb7hdM>.

Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон концепцияси: унинг умумийлик ва хусусийлик жиҳатларини фалсафий контекстда таҳлил қилиш;

маърифатли фаол шахс ахлоқини шакллантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сайфиддин Бохарзийнинг маънавий мероси, мутасаввифнинг таълимоти ва тасаввуф тарихида тутган ўрнини асословчи назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Сайфиддин Бохарзий фаолияти ва унинг “Мажмуъаи осори Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асаридаги тасаввуфий-фалсафий ғоялар таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, умумлаштириш, герменевтика каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

мутафаккирнинг “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”, “Китоби аврод”, “Китоби рисолаи ишқ”, “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асарлари асосида унинг онтологик (борлиқ, йўқлик, фано, бақо, олам ва одам) ва гносеологик (илм, амал, олим, жоҳил, қалб кўзи (басират)) каби ғоялари фалсафий категориялар сифатида далилланган;

“Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Бохарзий” ва “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” китобларида кўрсатилган, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш ғояларининг ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутиши очиб берилган;

вақф хужжати асосида Сайфиддин Бохарзийнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган мураса фалсафасига оид фаолияти ва ташаббуслари очиб берилган;

Сайфиддин Бохарзий “Рисолаи васиёи Бохарзий” асарида илгари сурган “яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит, қулай вақт” концепцияси “комил инсон” ғоясининг генезиси эканлиги мантиқий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сайфиддин Бохарзийнинг ижоди ва маънавий меросининг бугунги кунда инсонларнинг ҳаётини қадрлашга, ёшларнинг замонавий касб ҳунарларини пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда ёшлар ўртасида маънавият, маданият, маърифатни янада юксалтириш орқали баркамол авлодни тарбиялашнинг энг самарали, мақбул усуллари ишлаб чиқилган;

Бохарзийнинг араб ва форс тилидаги рубоийларини ўзбек тилига таржима қилиб, улардаги маънавий-руҳий, диний-ирфоний қарашлари ва рубоийлардаги ғояларнинг инсоннинг камолотга эришиши йўлларида ҳар хил “оммавий маданият” ва турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам иммунитетни шакллантиришга асосланганлиги исботланган;

мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳамда уларда

комиллик фазилатларини шакллантириш борасидаги ишлар натижаси асосланган;

Бохарзийнинг тасаввуфий қарашлари асосида мутасаввифнинг маънавий меросидаги ўзликни англаш, илм ва амал, жаҳолатга қарши маърифат, маънавий барқарорликка эришиш каби ғояларининг ҳозирги кун учун аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг тизимли таҳлил, анализ ва синтез, қиёсий-типологик, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф ва фалсафа тарихида тутган ўрнини янада чуқур англаш, амалда фойдаланиш, шунингдек, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф асослари” ва “Маданиятшунослик”, “Маънавиятшунослик” каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда, тасаввуф ва фалсафа луғатларини такомиллаштиришда муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Маънавият ва маърифат” марказларининг баркамол авлодни тарбиялаш фаолиятида, оммавий ахборот воситалари орқали Сайфиддин Бохарзий маънавий меросининг ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда, ҳамда уларда комиллик фазилатларини вужудга келтиришда, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги томонидан маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихидаги ўрнини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

вақф хужжати асосида Сайфиддин Бохарзийнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган муроса фалсафасига оид фаолияти ва ташаббуслари билан боғлиқ илмий хулосалардан 44-20/60 рақамли “Бухоро хунармандчилиги дунё нигоҳида” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017 йил) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 89-03-3773-сон маълумотномаси). Натижада жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, ёшлар маънавий салоҳиятини янада такомиллаштириш каби профилактик тадбирларда юқори натижаларга эришилган;

мутафаккирнинг “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”, “Китоби аврод”, “Китоби рисолаи ишқ”, “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асарлари асосида унинг онтологик (борлик, йўқлик, фано, бақо, олам ва одам) ва гносеологик (илм, амал, олим, жоҳил, қалб кўзи (басират)) каби

ғоялари фалсафий категориялар сифатида далилланганлигига оид илмий хулосалар ва амалий таклифлардан Бухоро вилоятида ўтказиладиган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказишда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Бухоро шаҳар кенгашининг илмий-маданий жамоатчилиқни хабардор қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 01/12-06-3691-сон маълумотномаси). Натижада илмий янгиликлар ўсиб келаётган ёш авлодда тасаввуф таълимоти, ислом фалсафаси, айниқса, ислом дини нуқоби остида фаолият олиб бораётган бузғунчи диний-экстремистик оқимларнинг соф исломдан йироқ эканлиги борасида тўғри тасаввур ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган;

“Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Бохарзий” ва “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” китобларида кўрсатилган, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш ғояларининг ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутишига оид назарий умумлашма ва методик тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирларда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 15 октябрдаги 03/07-881-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг диний ақидапарастлик, экстремизм ғоялари ҳамда ҳар хил “оммавий маданият” ва мафкуравий таҳдидларга қарши тура оладиган мустаҳкам иммунитетини шакллантиришга хизмат қилган;

Сайфиддин Бохарзий “Рисолаи васиёи Бохарзий” асарида илгари сурган “яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит, қулай вақт” концепцияси “комил инсон” ғоясининг генезиси эканлиги мантиқий асосланган натижалар ва хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканалининг “Асрларнинг асраганлари”, “Мозий бисотидан”, “Бухоро: кеча ва бугун”, “Қадриятлар қадим бешиги”, “Бухоро тарих нигоҳида” каби туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган ҳамда тадқиқотчи билан бевосита суҳбат олиб борилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 19 октябрдаги 1/275-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабин ва радиотингловчиларда Сайфиддин Бохарзий маънавий мероси ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга, баркамол шахс сифатида камолотга эришишга замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (хусусан, 3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, наشر этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Сайфиддин Бохарзий – кубравия таълимотини ривожлантирган мутафаккир”** деб номланиб, унда тасаввуф тушунчаси, бу таълимотнинг вужудга келиши, ривожланиши, илк тасаввуфий тариқатлар ва Ўрта Осиёдаги тасаввуфий тариқатлар ҳамда уларнинг намояндалари ҳақида қисқача тўхталиб, Сайфиддин Бохарзийнинг ҳаёт йўли, у кишининг камолотида мазкур таълимотларнинг таъсири таҳлил этилган.

Сайфиддин Бохарзий ҳижрий 586 йили шаъбон ойида, милодий 1190 йилнинг 8 сентябрида таваллуд топган ва Бухоронинг Фатҳобод мавзесида ҳижрий 659 йили зулқаъда ойининг 20 куни, милодий 1261 йил 20 октябрда вафот этган. Мутасаввиф мақбараси шу манзилда жойлашган, ҳозирда обод зиёратгоҳга айлантирилган.

Сайфиддин Бохарзий тасаввуфий билимларни XIII аср бошида Хоразмда кубравия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубродан (1145-1221 йй.) олади. Бу улуғ зот “Нажмиддин” (“Диннинг юлдузи”), “Кубро” (“Улуғ”), “Абу-л-жанноб” (“Дунёдан четланувчи”), “Валийтарош” (“Валийларни тарбияловчи”) номлари билан халқ ичида машҳур шайх, кубравийлик тариқатининг асосчиси бўлган. Сайфиддин Бохарзий устозини шундай таърифлайди: “У зот барча дунё шайхларининг шайхи ва замонамизнинг имомларининг имоми, ҳидоятга чорлагувчи уламоларнинг пешвоси, яъни тасаввуф йўлининг пешвоси, тасаввуф йўлида чорлагувчи, бандаларни даъват қилувчи далил, ҳужжат ва бурҳон бирлан Ҳақ Таолонинг улуғ номини таратувчи, улуғ дин ва миллати исломнинг буюк юлдузи Нажмиддин Кубро ҳазратларидир”⁶. Нажмиддин Кубронинг ҳозиргача маълум бўлган асарлари билан бирга янги “Тухфа” номли асари борлигини Сайфиддин Бохарзий “Воқеоти хилват” номли рисоласида ёзган. “Тухфа” асарида солиқнинг маънавий даражасини намоён этувчи руҳий кечинмалари, кўрадиган тушлари, ранглар муҳокамасига катта ўрин берилган ва чилла ўтириш тартиб-қоидалари ёритилган.

⁶ Шайх Нажмиддин Кубро. Жамолинг менга бас: Рубойлар. Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 64 б.; Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 208 б.

Нажмиддин Кубронинг тавсияси билан Сайфиддин Бохарзий 1220 йилда Бухорога келади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, халқни мўғуллар зулмидан ҳимоялашга ҳаракат қилади, аҳолини иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бу билан улуғ зот халқ орасида катта обрўга эга бўлади. Шунинг учун мўғул истилочилари Бохарзий билан ҳисоблашишга мажбур бўлади, у кишига катта вақф ерларини ҳадя қилиб, бошқариш ҳуқуқини беради⁷. Ўзга дин вакилларининг кўпчилиги Бохарзийнинг саъй-ҳаракати билан ислом динини қабул қилган. Ислом динини тарқатишдаги хизматлари учун Сайфиддин Бохарзийга “Шайхул Олам” унвони берилади. Бухоро шаҳрининг “Шариф” номига сазовор бўлишида бу табаррук зотнинг ҳиссаси катта бўлади.

Сайфиддин Бохарзий Нажмиддин Кубро томонидан асос солинган кубравия тариқатининг тарқалишида муҳим рол ўйнаган, унинг янги шаҳобчаси бўлган фирдавсия тармоғига асос солган ва ривожлантирган⁸.

Мутасаввифнинг ҳозиргача сақланган “Мажмуъаи осори Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” (Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий асарлари мажмуаси) тўплами бўлиб, унинг таркибида саккизта асар мавжуд. Сайфиддин Бохарзийдан қуйидаги маънавий мерос сақланган:

1. “Воқеоти хилват”⁹ (Хилват воқеалари). Асарни Мавлоно Ғуломнави Таваккули Пуштавий форс тилига таржима қилган, у 13 бетдан иборат. Бу асарда Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийни иккинчи марта чилла ўтиришга даъват қилганлари ва ибодат вақтида содир бўлган воқеа ҳамда ҳолатлар ёритилган.

Асарнинг дастлабки тўрт саҳифасида Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийга чилла ўтиришга оид ўғитлари, кейинги бетларида чилла вақтидаги воқеотлар, Бохарзийнинг чилла даврида кубравияга хос бўлган ўндан ортиқ латоифлар белгиларини кўрганлиги, Нажмиддин Кубронинг у кишига ҳирқа кийдиргани, халқ фарзандларига мустақил равишда тарбия беришга руҳсат бериб, Бухорога юборганлиги баён этилган. Мазкур асар ҳозирги кунга қадар кубравия тариқатининг ўзига хос хусусиятларини баён этувчи манба сифатида аҳамиятлидир. Асарнинг фалсафа тарихи учун аҳамиятли томони шундаки, унда нафс ва қалб тарбияси ҳақида алоҳида маълумот берилган, қолаверса, Нажмиддин Кубронинг латоифлар назариясини ривожлантирган.

2. “Китоби фатво ва воқеоти ирфонийи Бохарзий”¹⁰ (Бохарзийнинг фатво ва ирфоний воқеалар китоби). Бу асарда Сайфиддин Бохарзий хонақоҳларидаги муридларнинг ҳаёт тарзи, тартиб-қоидалари, устоз ва мурид ўртасидаги ўзаро муносабат, уларнинг бир-бири билан мулоқот одоби, сўфийлар истиқомат қиладиган хонақоҳлар одоби, ўзини-ўзи назорат қилиш ва кузатиш усуллари, сўфийлик мақомлари, самоъ мажлислари, сўфийларнинг либослари ва тасаввуф истилоҳлари ҳақида сўз боради.

⁷ Чехович О.Д. Бухарские документы. – Тошкент: Наука, 1966. – С. 366.

⁸ Тримингэм. Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер.с англ. А.А.Ставиской под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовича. – Москва: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1989. – С.56.

⁹ شيخ العالم سيف الدين باخرزي . وقایع الخلوہ. نشر ديپایترجمه: مولانا غلام نبی توکلی پشته ئی، 27-42 صص

¹⁰ سيف الدين باخرزي ترجمه و تصحيح: حجة على صدرایی خوبی کتاب فتاوا و واقعات عرفانی باخرزي. 2010. نشر ديپایترجمه. 147-163 صص

Асарнинг форс тилидаги тошбосма нусхаси 14 бет бўлиб, Техроннинг Дебоя нашриётида чоп этилган ва араб тилидан форс тилига Хожаи Ислом ал Муслимийн Али Садри Ҳавоий томонидан таржима қилинган.

Мазкур асар 28 фатводан иборат бўлиб, савол-жавоб тарзида ёзилган. Тадқиқотимизда асарнинг савол-жавоб услубида ёзилишига қараб, Сайфиддин Бохарзий антик даврнинг машҳур файласуфи, Шарқда “Биринчи устоз” номи билан машҳур Платонга ўхшатирилганлиги таҳлил этилган. Шунингдек, Фатҳободдаги Сайфиддин Бохарзий бошқарган хонақоҳни Платон академияси билан қиёслаш мумкин. Бунинг ёрқин далилини Фатҳобод хонақосида асосида сабоқ олган толиби илмлардан кўпи етук инсонлар бўлиб шаклландирилганлигида кўриш мумкин¹¹.

Сайфиддин Бохарзийнинг бу рисоласи “мурид, муршид, тамкин, истиффор, суҳбат, хонақоҳ” каби тасаввуфий тушунчаларнинг моҳиятини англашга ёрдам беради. Бу манбада кубравия таълимотида зикрнинг жаҳрия ва самоъ кўринишлари мавжудлиги, зикр суҳбатларида тафсир илми берилиши ҳақида маълумот берилган. Асар ҳозирги таълим-тарбия жараёнида устоз ва шогирд муносабатларида одоб-ахлоқ масаласини тартибга солиш учун манба бўла олади.

3. “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий”¹² (Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий рубоийлари). Тадқиқотлар ҳозирги кунга қадар Сайфиддин Бохарзийнинг 650 рубоийси мавжудлигини кўрсатади.

Ушбу асарнинг нусхаси Адил Асир Дехлавий томонидан 2010 йилда араб тилидан форс тилига таржима қилинган ва Дехлида нашр этилган бўлиб, 25 бетдан иборат, унда 98 та рубоий жамланган. Ишимизда мазкур рубоийлар Умар Хайём рубоийлари билан қиёсланиб, таҳлил ва тасниф этилган.

4. “Китоби Аврод”¹³ (Аврод китоби). Маълумки, ҳақиқат даражасидаги шайхлар ўз муридларига илоҳий фарзларни қабул қилиш йўллариини ўз авродлари орқали сингдирганлар. Ана шулардан бири Сайфиддин Бохарзийнинг “Китоби Аврод” асаридир. Асар 8 бетдан иборат бўлиб, “Нашри Дебоя” нашриётида чоп этилган. Асарни араб тилидан форс тилига Мавлоно Ғуломнабий Таваккулий Пуштаий таржима қилган. Асар Аллоҳ ва инсон ўртасидаги ҳижобларни кўтариш ва инсоннинг ўз асл моҳиятини англаб етишига хизмат қилади. Асарда кубравия тариқатидаги солиқлар бажариши зарур бўлган вазифалар белгиланган. Тадқиқотда ушбу асар Абдулқодир Гелоний¹⁴ ва Баҳоуддин Нақшбанд¹⁵нинг “Аврод”лари билан қиёсланган. Тадқиқот давомида Шайхул Оламнинг борлиқ ҳақидаги ғоялари, олам, олам ва одам, одам ва Аллоҳнинг ўзаро муносабатлари ёритилган.

¹¹ Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий Муъин ал-Фуқаро. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 53.

¹² عادل اسير دهلوي، رباعيات سيف الدين باخرزي، دهلي، نشر ملك بك ديور 2010. نشر ديپايه. 59-87. صص.

¹³ كتاب اوراد نويسنده: شيخ العالم سيف الدين باخرزي مترجم: مولانا غلام نبی توکلی پشته ئی. 2010 نشر ديپايه. 43-53. صص.

¹⁴ Юнусова Г.С. Абдулқодир Гилоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. – Фал.фан.док.дис. – Самарқанд, 2019. – Б. 25-29.

¹⁵ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод. Изох ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврўзова. – Тошкент: Сано-стандарт, 2019. – Б. 111.

5. “Рисолаи васиёи Бохарзий”¹⁶ (Бохарзий васиятлари рисоласи). Қисқа ҳажмли мазкур манба Ирожи Афшор томонидан араб тилидан форс тилига таржима қилинган. Таржимон дастлаб машхур ориф Сайфиддин Бохарзий васиятлари Миср миллий кутубхонасида сақланаётган 1930 рақамли “Темур жилди”да мавжуд бўлганлиги ва Мубашшир Тирозий берган нусха асосида чоп этганлигини ёзган. Асарнинг охирида: “Буни буюк ва улуғ бўлган Аллоҳ йўлидаги фақир Абулмаъолий Саъид ибн Мутаҳҳар ибн Саъид ибн Али ибн ал-Ҳусайн ибн Али ал-Бохарзий Бухорода, 629 йил шаъбон ойининг биринчисида ёзиб тугатди”¹⁷, – деб қайд этилган.

Шайхул Оламнинг ушбу асарида инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асос: “яхши уруғ”, “яхши жой”, “яхши ўғит”, “қулай вақт” ғояси тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, мазкур фикрлар Юсуф Ҳамадоний ҳамда Азизиддин Насафий асарларидаги ғоялар билан умумийлик касб этиши кенг таҳлил этилган. Манба Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг “Васиятнома” асари билан ҳам қиёсланган¹⁸. Асарнинг фалсафа тарихидаги аҳамияти ҳозирги баркамол авлод тарбиясида жуда самарали бўлган комил инсон тарбияси моделининг мавжудлигидадир.

6. “Китоби рисолаи ишқ”¹⁹ (Ишқ рисоласи китоби). Сайфиддин Бохарзийнинг бу асари 1387 йил Иражи Афшор томонидан форс тилига таржима қилинган бўлиб, 13 бетдан иборат. Ушбу асар Имом Ғаззолийнинг укаси Аҳмад Ғаззолийнинг “Савониҳ ул-Ушшоқ” (Ишқ метафизикаси) асарига шарҳ сифатида ёзилган бўлиб, ишимизда Абу Али ибн Сино (980-1037)нинг “Рисолаи ишқ”²⁰ асари билан қиёсланган. Абу Али ибн Сино рисоласи етти бобдан иборат бўлиб, унинг олтинчи боби “Аҳли диллар ишқи ҳақида”дир. Айнан шу боб Бохарзий асаридаги ғоялар билан уйғунлик касб этади.

Шайхул Олам Бохарзий Мовароуннаҳр тасаввуфига ишқ мавзусини олиб кирган дастлабки ижодкорлардан бири саналади. Буни шу асар моҳияти билан асослаш мумкин.

7. “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”²¹ (Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи китоби). Бу асар Мавлоно Ғуломнабий Таваккулий Пуштай томонидан форс тилига таржима қилинган бўлиб, 36 бетдан иборат. Унда Аллоҳнинг 99 гўзал исмининг мазмуни ёритилган, сўнг шу мазмун-моҳиятни акс эттирувчи ҳадислар келтирилган, исмга уйғун ҳикоят ва байтлар келтирилиб, изоҳланган. Ушбу асар Бохарзийнинг ўз муридлари учун сўфийлик таълимотидан дарс бериш мақсадида ёзилган бўлиб, илоҳий борлик, инсон ва олам каби фалсафий тушунчаларни ёритишга қўмак беради.

¹⁶ Шейх العالم سيف الدين باخرزي تصحيح: ايرج افشار براي سيد شمس الدين رساله وصاياي باخرزي. 2010. نشر ديباية. 103-109. صص

¹⁷ شيف العالم سيف الدين باخرزي تصحيح: ايرج افشار رساله وصاياي باخرزي. نشر ديباية. 103-109. صص

¹⁸ Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.42-48.

¹⁹ تصحيح: ايرج افشار نويسنده: شيف العالم سيف الدين باخرزي كتاب رساله عشق. 2010. نشر ديباية. 87-103. صص

²⁰ Абу Али ибн Сино. Ишқ ҳақида рисола. Маҳкам Маҳмуд. Зайниддин Баҳриддиновлар таржимаси. Хуршид Даврон кутубхонаси. [https:// kh-davron.uz/yangiliklar/abu-ali-ibn-sino-ishq-haqida-risola-2.html/www.kh-davron.uz](https://kh-davron.uz/yangiliklar/abu-ali-ibn-sino-ishq-haqida-risola-2.html/www.kh-davron.uz).

²¹ شيف العالم سيف الدين باخرزي كتاب شرح اسماء الحسنی. تصحيح: مولانا غلام نبی توکلی پشته نى. 2010. نشر ديباية. 109-147. صص.

8. “Номаи Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий ба шайх Саъдиддин Ҳамавий”²² (Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзийнинг шайх Саъдиддин Ҳамавийга номаси). Манба “Китоби маҳбуб” ва “Сажанжал-ал арвоҳ” асарининг муаллифи Саъдиддин Ҳамавийга бағишлаб ёзилган мактуб бўлиб, 3 бетдан иборат. Саъдиддин Ҳамавий Сайфиддин Бохарзий ва Баҳоуддин Валадлар каби Нажмиддин Кубронинг издошларидан бўлган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Сайфиддин Бохарзий тасаввуфий қарашларининг ирфоний-фалсафий тафаккур ривожигаги ўрни”** деб номланиб, ушбу бобда Сайфиддин Бохарзийнинг борлиқ ва билишга оид фалсафий ғоялари ёритилган. Бобнинг биринчи бандида Сайфиддин Бохарзийнинг “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”, “Китоби аврод” ва “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий”, “Китоби рисолаи ишқ” асарларидаги ғояларининг таҳлили асосида олам ва одам ҳақидаги масалалар ёритилган. Таҳлил жараёнида борлиқ-йўқлик, бор-йўқ, фоний-боқий, абадий-ўтқинчи, зоҳир-ботин, касиф-латиф каби ўзаро боғлиқ ҳамда фарқланувчи тушунчалар фалсафий таҳлил этилган.

Мутафаккирнинг билишга оид фикрлари “Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асари асосида ёритилган. Бобнинг иккинчи бандида юқоридаги асарлар асосида илм ва амал, олим ва жоҳил, қалб, қалб кўзи, билиш жараёнида ишқнинг ўрни каби масалалар ёритилган.

Вужуди вожиб ва вужуди мумкин тушунчалари Абу Наср Форобий, Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино, Умар Хайём, Ибн Рушд Абулвалид Муҳаммад каби файласуфлар томонидан таҳлил этилган бўлса, ваҳдат ул-вужуд, ваҳдат ул-мавжуд таълимоти тасаввуфда борлиқ масалаларини изоҳлашда қўлланилади. Сайфиддин Бохарзий ўз асарларида бу тушунчаларни ишлатмаган бўлса ҳам, унинг олам ва одам ҳақидаги ғоялари вужуд ҳақидаги фалсафий-тасаввуфий қарашлари моҳиятини акс эттиради. “Китоби шарҳи асмо ал ҳусна”, “Китоби аврод” асарларида Шайхул Олам бутун борлиқни Амр олами ва Халқ оламидан ташкил топганлиги, Халқ олами ҳам Амр олами туфайли вужудга келганлигини асослаб берган. Шунингдек, у бутун оламни яратган ягона куч-қувват – Аллоҳни “вужуди вожиб”, халқ қилинган, яралган нарсаларни “вужуди мумкин” тушунчаси билан фарқлайди.

Сайфиддин Бохарзий асарларида бутун борлиқни Ғайб олами –фаришта, руҳ, маъно, ботин олами ҳамда олами арвоҳ ва олами ажсом кабиларни баён этади. Бу билан руҳият олами, яъни латиф, жисм олами – касиф эканлигини баён этади. Шаҳодат олами – сурат, шакл, зоҳир оламидан таркиб топган деб таъкидлайди. У моддий олам бўлган Шаҳодат, Халқ ва Ажсом олами учун макон, замон ва ҳаракат, ўзгарувчанлик, фонийлик хослигини айтади. Ғайб, олами арвоҳ бўлса, ло макон (макондан ташқари), ло замон (вақтдан ташқари ва ўзгармас, абадий) эканлигини таъкидлайди.

“Рубоиёти Шайхул Олам Сайфиддин Бохарзий” асарида моддий оламдаги борлиқнинг барча кўринишлари доимо ҳаракатда, ўзгарувчан ва фонийлиги, инсон умри муддатли эканлиги таъкидланган.

²² شيخ العالم سيف الدين باخرزي كتاب شرح اسماء الحسنی. تصحيح: مولانا غلام نبی توكلی پشته ئی. 2010. نشر ديپايه. 109-147. صص

Сайфиддин Бохарзий ижоди гувоҳлик берадики, инсон жисм ва руҳдан иборат борлиқнинг энг олий кўриниши бўлиб, унинг жисми ва руҳи ўзаро узвий боғлиқ. Руҳсиз жасад ва жасадсиз руҳ ҳолатида инсон камолоти учун имконият бўлмайди. У ҳақиқий инсон бўлиб шаклланмайди. Инсон жисмининг асли тўрт унсур бўлиб, шу тўрт унсурнинг жисмидаги миқдори фитратининг сифатига таъсир этиб, унинг ҳолатини акс эттиради. Бохарзий инсон аслининг тупроқ эканлигини таъкидлаб, ҳақиқий инсон оламда ўз вазифасини бажариши, ҳаётининг мазмун-моҳиятини англаши учун камтарин, тупроқсифат бўлиши кераклигини уқтиради.

Мутафаккирнинг илм-амал, ўз-ўзини англашга оид ғоялари кўрсатадики, билишга оид сенсуалистик, яъни ҳиссий билишни абсолютлаштирадиган, рационалистик, яъни ақлий билишни мутлақлаштирадиган ва иррационал, яъни интуитив билишни устун қўювчи таълимотлардан фарқли ҳолда Сайфиддин Бохарзий маънавий меросида у инсоният учун илм, амал ва билишга оид ғоялар илгари сурилган, аммо бу жараённи мўътадил билиб, бирор қарашни мутлақлаштирамаган.

Сайфиддин Бохарзий илм олиш масаласига махсус эътибор берган ва ўзи ҳам Бухоро аҳолисини илму маърифатли қилиш учун катта хизмат қилган. 1221 йил Нажмиддин Кубронинг вафотидан сўнг Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида хонақоҳ ташкил этган, унга Нажмиддин Кубро номини қўйиб, таълим беришни бошлаган²³. Вақф ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, қудратли хон Мангу, Хулагу, Қубилайларнинг онаси бўлган, христиан динига эътиқод қилувчи Сюркўктанибика Бухорода мадраса қуриш учун 1000 кумуш танга миқдорида хайрия қилади, қурилган Маъсудия²⁴ ва Хония мадрасасини вақф мулки сифатида Сайфиддин Бохарзийга топширади²⁵. Кейинчалик Бухоронинг Фатҳобод мавзесида қурдирган мадрасасида умрининг охиригача илм изланувчиларига таҳсил берган.

Сайфиддин Бохарзий илм ва амални диалектик бирликда, ўзаро алоқадорликда таҳлил этади:

بی علم و عمل بهشت یزدان مطلب
بی خاتم دین ملک سلیمان مطلب
چون عاقبت کار فنا خواهد بود
آزار دل هیچ مسلمان مطلب²⁶

Мазмуни:

Илму амалсиз Яздон (Худо) биҳиштини талаб этма,
Дин Ҳотамисиз Сулаймон мулкини талаб этма.

²³ <http://e-tarix.uz/shaxslar/440-kubro.html>

²⁴ Жумаев К. Мавзолей Шайхул-Олам в Бухаре – уникальная усыпальница суфийского “Шейха Мира”. zkoregdi@yandex.ru. <https://centrasia.org/newsA.php?st=1171966080>

²⁵ Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. Академия Наук Узбекской ССР, Институт истории и археологии. Ташкент: Наука, 1965. – 235 б.; Чехович. О. Д. Новый источник по истории Бухары начала XIV в. // журн. Проблемы востоковедения. – Москва, 1959; Сайфиддин Бохарзийнинг вақф ҳужжатлари Бухоро давлат музей кўриқхонаси “Ҳужжатлар” фондида ИНВ № 31937/11(1-2) рақам остида сақланади. Ушбу ҳужжат 47 метрни ташкил этиб, 1326 йилда ёзилган вақф ҳужжатининг XVIII асрда қайта кўчирилган нусхасидир.

²⁶ شیخ العالم سیف الدین باخرزی تصحیح: عادل اسیر دهلوی، رباعیات سیف الدین باخرزی، دهلی، نشر ملک بک دپو. ص.62.

Ишнинг оқибати фано бўлар экан,
Мусулмон дилининг озорини ҳеч қачон талаб этма.

Сайфиддин Бохарзий инсон камолоти учун илм-амал бирлиги, тасаввуф илми, бу илмни эгаллаш учун қалб кўзининг очилиши ва нафсни жиловлаш масаласини муҳим деб билган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Комил инсон ҳақидаги фалсафий ғоялар ривожда Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни ва роли**” деб номланиб, бу бобда Сайфиддин Бохарзийнинг комил инсон концепцияси ва комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари таҳлил этилган.

Сайфиддин Бохарзий ўзининг “Рисолаи васиёи Бохарзий” асарида: “...бу иззатни эгаллаш ва тўлиқ ҳосил олишга тўрт нарса сабаб бўлади: яхши уруғ, яхши жой, яхши ўғит ва қулай вақт”²⁷, – деб ёзган. **Яхши уруғ** тушунчасининг таҳлилидан маълум бўладики, инсон камолотининг биринчи асоси унинг қандай ота-онадан дунёга келишига боғлиқ. **Яхши жой** масаласида яхши уруғнинг униб-ўсиши фақат уруғнинг сифатига боғлиқ эмас, балки манзили, маконига ҳам боғлиқлиги назарда тутилган. **Яхши ўғит** тушунчаси билан яхши уруғ муносиб тупроққа қадалгандан сўнг униб-ўсиб, гуллаб-яшнаши учун яхши озуқа бериш масаласи эътиборга тутилган. **Қулай вақт** масаласида болага таълим-тарбия бериш вақтига эътибор муҳимлиги таъкидланади.

